

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА УСЛУБ ВА МАҲОРАТ

Рушана Зарипова

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти.

E-pochta: rushanazaripova73@gmail.com

ORCID ID: 0009-0002-8207-2819

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14277337>

Аннотация. *Замонавий ўзбек қиссалари ёзувчиларининг услуб ва маҳорати ўзига хос хусусиятларга эга ва кўплаб замонавий адиблар янги услублар ва техникаларни синаб кўриш орқали ўз асарларини бойитишмоқда. Кўпгина замонавий қиссаларда метафоралар ва рамзлар кенг қўлланилади, бу усуллар орқали ёзувчилар ўқувчига кўпроқ фикр ва ҳиссий тажрибаларни етказишга ҳаракат қиладилар. Қуйидаги мақолада ҳам Жамила Эргашеванинг қиссаларида услуб ва маҳорат ҳақида атрофлича сўз боради.*

Калим сўзлар: *наср, қиссачилик, образ, услуб, маҳорат, характер.*

STYLE AND SKILL IN MODERN UZBEKISTAN SHORTS

Abstract. *The style and skill of contemporary Uzbek story writers have distinctive characteristics. Many modern authors enrich their works by experimenting with new styles and techniques. In many contemporary stories, metaphors and symbols are widely used. Through these methods, writers strive to convey more thoughts and emotional experiences to the reader. This article also discusses in detail the style and skill in the stories of Jamila Ergasheva.*

Keywords: *prose, storytelling, image, style, skill, character.*

СТИЛЬ И МАСТЕРСТВО В СОВРЕМЕННЫХ УЗБЕКСКИХ ИСТОРИЯХ

Аннотация: *Стиль и мастерство современных узбекских писателей рассказов имеют свои отличительные черты. Многие современные авторы обогащают свои произведения, экспериментируя с новыми стилями и техниками. В большинстве современных рассказов широко используются метафоры и символы. С помощью этих методов писатели стремятся передать читателю больше мыслей и эмоциональных переживаний. В следующей статье также подробно рассматривается стиль и мастерство в рассказах Джамилы Эргашевой.*

Ключевые слова: *проза, повествование, образ, стиль, мастерство, характер.*

Жамила Эргашева ўз услуби ва креатив ёндашуви билан китобхон эътиборини етарли даражада жалб қила олган. Айниқса, қиссаларидаги образлар тизими, воқеаларнинг баъзи ўринларда сир тутилиши, қутилмаганда амбивалентни юзага келтириш ёзувчи маҳорати анчагина пишиб, етилганидан дарак беради.

“Маълумки, бадий асарда ҳаёт тартибсиз равишда тасвирланавермайди. Ҳаётни тасвирлаш ҳар бир асардаги эстетик мақсадга мувофиқ равишда олиб борилади. Бу ўз навбатида, бадий умумлаштиришнинг зарур шартларидандир. Санъаткор ёзувчи ҳаётни реал тасвирлаш мақсадида ҳар хил йўللardan, турли приёмлардан фойдаланади”¹. Санъатнинг мана шу қондасига бўйсунган ҳолда Жамила Эргашева ҳам воқеалар оқимини

¹ Қўшжонов М. “Ўзбекнинг ўзлиги”. Танланган асарлар. Т.: “Sharq” 2018-й. 38-б.

тасвирлар экан, узоқдан тугунни боғлаб қўяди-да, шу билан баробар у тугуннинг ечилиш йўллари ҳам олдиндан кўрсатиб ўтади.

Ривоят, (умуман олганда бадий асар. Р.З.) баъзилар ўйлаганидек, битта қаҳрамон атрофида айлансагина бир бутун бўлавермайди: чунки бир (шахс) билан алоқадор бўлган чексиз, сон-саноксиз ҳодисалар юз бериши, ҳатто, уларнинг баъзилари ҳеч қандай бутунликка эга бўлмаслиги мумкин. Бир шахс ҳатти-ҳаракати ҳам худди шундай кўп микдорлидир улардан ҳеч қандай ягона воқеа яратиб бўлмайди.² Жамила Эргашева ҳам “Интиқом” қиссасида аёл характери очиқ бериш учун “ёрдамчи образлар” ҳаракатидан фойдаланади. Уларнинг ҳаёт чизгилари ёрдамида асосий образни тўлалигича очиқ беришга ҳаракат қилади. Ушбу асарда ҳам Фотима, Нормурод ва Бибиноҳ образлари орқали Зубайданинг руҳиё олами терамроқ акс эттиради.

Асарда Зубайда, Қурбонгул, Бибиноҳ, Фотима, Қулфин хола сингари аёллар образи асарда асосий “иштирокчи” сифатида кўрсатилади. Нормурод, Мўмин, Бектош образлари эса аёллар позициясидаги персонажлар (иштирокчи) сифатида кўрсатилади. Шу ўринда қиссанинг қисқача мазмунига тўхталсак: инфаркт сабабли эри (Ўташ) вафот этган Зубайда икки боласи билан бева бўлиб қолади. Ўташниинг акаси Бектош ва унинг хотини Фотима Ўташга кўп яхшилик қилган. Уни ўқитган, уйли-жойли қилган. Катта ишга жойлаштирган. Бектош асарда кўли узун “коттакон”лардан бири сифатида тасвирланади. Лекин Бектошнинг катта ўғли Нормурод (Ўташдан бир-икки ёш фарқ қиларди) бева қолган янғаси (Зубайда)га фахш кўзи билан қарай бошлади. Боз устига “уйи тайёр бўлгач, кўчиб кетади” деб, Нормуродни оиласи билан Зубайда яшаб турган ҳовлига кўчириб келишади. Зубайданинг аҳволи янада оғирлашади. Нормуродни бу ишларини “ийгитчилик ўйини” деб қарайдиган унинг онаси Фотима ҳам, авваллари бир-неча марта хиёнат қилиб, қўлга тушсада, бироз аразлашиб, яна рашиб кетадиган унинг хотини Бибиноҳ ҳам бор мағзавани Зубайдага тўкишади. Алалоқибат, эридан қолган ҳовлини ташлаб, болаларини олиб курсдош дугонасининг уйига кўчиб ўтади. Эри вафотидан тўрт йилдан сўнг ҳамкасби Ҳикматуллога турмушга чиқади. Лекин, турмуши ўхшамайди. Ажрашиб болалари ёнига қайтади. Ҳар томонлама тазйиқ, жуда аянчли ҳолатда қолган Зубайда образи муаллиф томонидан маҳорат билан тасвирланади. Асар бошиданок Жамила Эргашева қаҳрамонлар кайфиятига, бўлаётган воқеаларга монанд пейзаждан фойдаланади. Қисса қуйидагича бошланади: *“Бу дунёда ҳамма ўткинчи. Давронлар ҳам ўткинчи... Осмоннинг қоп-қора булут қоплаган кўксига чақин ўтли ханжарини санчди. Оғриқданми, аламданми, осмон “дод!”лаб юборди. Сўнг “юм-юм”, “сим-сим” йиғлади. Узоқ йиғлади...”*³

Ҳали асар ичига кирмасданок, ўқувчи қалбини ғамгин бир ҳолат чулғайди. *“Бу дунёда ҳамма ўткинчи. Давронлар ҳам ўткинчи...”* жумлаларининг ўзиёқ, китобхон ҳёлига *“ҳализамон нимадир содир бўладиёв...”* қабилдаги ўй-фикрни келтириши табиий.

Эрининг қутилмаганда қазо қилганидан гангиб қолган Зубайданинг айна дамдаги ҳолатини ижодкор шундай тасвирлайди: *“Кўкрак қафасининг панжараларига урилавериб, бемадор бўлиб қолган қушчанинг кичкинагина вужудини сўнгги илинжи ҳам тарқ этди...”*⁴

² Арасту. Поэтика. Ахлоқи қабир. Риторика. Тошкент «Янги аср авлоди» 2011-йю Б-31

³ Эргашева Ж. “Аёл жодуси” /қисса ва ҳикоялар/ Т.: 2005-й. 8-б.

⁴ Эргашева Ж. Кўрсатилган манба. 11-б.

Жамила Эргашева мазкур “Интиқом” қиссасида ўзига хос услубдан фойдаланади. Асар давомида дастлаб тугунни ўртага ташлаб, ундан сўнг ечимни секин-асталик билан китобхонга ҳавола этади. Воқеалар дастлаб Зубайданинг эри Ўташнинг вафоти манзараси билан бошланиб, кейинги ўринларда муаллиф “ортга қайтиш” услубидан фойдаланади. яъни, Ўташ ва Зубайданинг самимий муҳаббат қиссаси келтирилади. Асар давомида муаллиф мақол ва иборалардан ўз ўрнида моҳирона фойдаланади. *“Насиб этса, келар Шому Ироқдин, насиб этмаса, кетар қошу қабоқдин”, -деганлари шумикин? Зубайда илк бор Ўташнинг ўтли нигоҳларига дуч келган кунлар ўз толеига ишонқирамаган эди.*⁵ Негаки, Зубайда оддий, камсуқум бир киз. “Кимсан, Бектош Алибоевнинг укаси” бўлган Ўташбекнинг шунча танноз қизлар қолиб, нуқул унинг атрофида айланиши ғайритабиий бир ҳолат бўлиб туюлганди. Қисса давомида муаллиф Зубайданинг қизлик пайтидаги самимий ўй ва кечинмаларини қизларга хос латофат билан тасвирласа, йиллар ўтганидан кейинги, айниқса бева бўлиб қолгандаги ҳолатини янада таъсирчан қилиб тасвирлайди.

*“Шунчаки қаради-да... Шунчаки гапирди-да... Менинг ўрнимда бошқаа қиз бўлганда ҳам шундай дерди. Шунчаки...”*⁶

Муаллиф Зубайдани кўнглида барг ёзаётган умид чечакларини юлиб ташлашга зўр бериб ҳаракат қилаётган, лекин хатти-ҳаракатлари билан тобора Ўташбекка майл билдириб бораётган бир ҳолатда тасвирлайди. Зубайданининг Ўташбекка нисбатан дастлаб ишончсизлигига биргина сабаб, уларни ўзига тенг деб билмаслиги.

*“Кимсан, Алибоевнинг эрка укаси! Мен ким-у, у ким? Ўзи хоҳлаганда ҳам акаси билан янгаси мендек камбағалнинг қизини олиб берармиди? Бекор бордим... Энди келса, гаплашмайман, вақтим йўқ дейман...”*⁷

Бу Зубайда ёшидаги ҳар қандай ўсмир қизнинг қалбида кечиши мумкин бўлган изтироб. Зубайда ҳам қизларга хос истиғно ва хавотир аралаш навбатдаги учрашувга рози бўлмайди, гўё. Аммо, қалбида “пўримгина кийинган, қадди-басти келишган” Ўташбекка нисбатан илиқлик йўқ эмас. Хавотир қанчалик кучли бўлмасин, юқорида келтириб ўтилган мақолга биноан “насиб этган экан”, Зубайда Ўташбекка турмушга чиқади. Фарзандлар кўришади.

Жамила Эргашеванинг ўзига хос услуби бор. Ёзувчи асарларида ҳаёт воқеликларининг кескин ўзгариб ва алмашиб туришидан-перепетия⁸дан кенг фойдаланади.

Бевақт турмуш ўртоғидан айрилган Зубайданинг рухий олами муаллиф томонидан қисқа, аммо аниқ бир ҳолатда тасвирланади. “Бугун Термизда катта йиғилиш бор. Мени соғиниб ўтиринглар”, деб эрка ўғлининг лунжидан бир чимдиб, янги костюм-шимларини кийиб, чиқиб кетган эрининг, унга... ҳеч нарса демай ... “бутунлай кетиб...” қолганига (Зубайданинг Р.З.) ҳеч ишонгиси келмас, йиғилишдан чиқиб, яна қаёққадур кетгану, ҳали замон одатдагидай “Яхши ўтирибсизларми?” деб кириб келадигандай эди. Тушларида эса

⁵ Эргашева Ж. “Аёл жодуси” Қисса ва ҳикоялар. Т.: “Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси” 2005-й. 12-б.

⁶ Эргашева Ж. Кўрсатилган манба 12-б.

⁷ Эргашева Ж. Кўрсатилган манба 12-б.

⁸ Перепетия- (юн. *peripeteia*-кутилмаган бурилиш)-воқеа ривож ва қаҳрамон тақдиридаги кутилмаган кескин бурилиш. Манба: Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. “Адабиётшунослик луғати”. Т.: “Академнашр”, 2013-й. 222-б.

аллақандай тубсиз дараларда ётар, тепадан қип-қизил жасад солинган тобут тушиб келар, сўнг кўз ўнгида жасаддан гўштлар аста-секин ажралиб тушаётганда, эрини таниб қолиб, “Дод!”-деб қичкириб юборар, сўнг ўз овозидан ҳам ўзи, ҳам болалари уйғониб кетар эди.”

Мазкур туш тасвирларидан Зубайданинг ҳаётида тез орада яна қандайдир фожеа бўлишини китобхон кўнгли сезади. Муаллиф бекорга бундай тасвир воситасини келтириб ўтган. Тушга эътибор қилинса, “қип-қизил жасад солинган тобут”, “жасаддан гўштлар аста секин ажралиб тушаётгани”, Зубайданинг “эрини таниб” “Дод!” солиши... орадан маълум бир вақт ўтгач, ҳар доимги бир хилликдаги туш кескин ўзгаради. Бу гал “жасаддан ажралган бир парча лаҳм гўшт оғзини беркитди. Нафаси қайтиб уйғониб кетди...” муаллиф мана шу жараёнга барча нарсани “сир тутиб” келади. Кутилмаган бурилиш китобхонни ҳаяжонга солиши табиий. Бу айниқса Зубайда уйғонганидан кейинги ҳолатда яққол сезилади.

“...Нафаси қайтиб уйғониб кетди, аммо, елкаларидан босиб турган икки қўл ўрнидан туришига қўймади:

- *Янга, жим! Болалар уйғониб кетади...*
- *Нормурод?! Сиз?...*
- *Ҳа, мен. Менман, янга, қўрқманг,- у юзини Зубайданинг юзига теккизгудай энгашиб, ҳансираб, ўпмоққа уринарди. Оғзидан саримсоқпиез, тамаки ҳидлари аралаш ароқнинг бадбўй ҳиди гупуриб турарди...”⁹*

Ва ниҳоят масала биров бўлсада ойдинлашди. Зубайданинг анчадан буён кўраётган тушларининг боиси, эри “уни чақираётганлиги” эмас, аксинча, ўз жигари, эт ва тирноқ каби яқин инсони Нормуроднинг иблисона ишларидан огоҳлантириш эди. Ярим тунда Нормуродни Зубайданинг ёғига нима мақсадда келгани эса кундай равшан. Муаллиф буларнинг барчасини персонажнинг ўз нутқи ва хатти-ҳаракатлари билан кўрсатиб беради. Масалан, Нормуроднинг “-Янга, жим! Болалар уйғониб кетади...” дейиши, ва “У (Нормурод. РЗ.) юзини Зубайданинг юзига теккизгудай энгашиб, ҳансираб, ўпмоққа уриниши”, “оғзидан саримсоқпиез, тамаки ҳидлари аралаш ароқнинг бадбўй ҳиди гупуриб туриши” Нормуроднинг асл мақсадини юзага чиқаради. Ҳатто китобхон ҳаёлига “Ўташнинг беҳосдан вафот этиб қолишига шу Нормуроднинг қўли бор эмасми, мабодо?!”-деган ўй-фикр келиши мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф персонажлар портретини чизишда, асосан контраст усулини қўллайди. Бунда инсон характери ташқи қиёфада акс этади, деган анъанавий, аммо синалган хулосага таянади. Шу боис, асардаги ижобий образларга гўзал чизгилар берилган. Салбий қаҳрамонлар эса юқорида таъкидлаганимиздек хунук сифатлар билан тасвирланади.

Масалан, Нормурод қиёфаси анча йиллар аввалги бир ҳолат билан очиб берилади. “...Хувв, бир пайтлар тўйдан сўнг ҳовлиларида хизмат қилиб юрган келинчакни кўриб, (Нормурод. Р.З) Ўташбекнинг дидига қойил қолганди. Бир гал кайф устида Ўташбекка

⁹ Эргашева Ж. “Аёл жодуси” /Қисса ва ҳикоялар/ Т.: “Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси” 2005-й. 14-б

“Бундай қадди-қоматни ҳеч қандай аэробика билан, бундай тиниқ чехрани ҳеч қандай косметика билан ҳам яратиб бўлмайди” деганди...”¹⁰

Ўзини инсон санайдиган, ақл-хуши жойида бўлган киши акасининг аёли ҳақида бундай сўзларни гапиришга истиҳола қилади. Муаллиф ушбу воқеани айнан шу ерда “эслаш услуби” орқали келтириб ўтадики, бу билан Нормуроднинг шайтоний истакларининг туб илдизи анча йиллар аввалга бориб тақалишини кўрсатади. “Катта –катта давраларда совринлар олиб юрган полвон”, “кўнгли кетган гулни, кимники бўлишидан қатъи назар, узиб юрган” Нормурод асар давомида ўз ниятига етишиш учун қўлидан келган барча ишларни амалга оширадики, бу жараён ўқувчининг унга нисбатан нафрат туйғусини ошириб боради.

REFERENCES

1. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Адабий асар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1978.
2. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000.
3. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2000.
4. Жамила Эргашева// Ўлим (ҳикоя). Ziyouz.uz. Ўзбек насри онлайн антологияси.
5. Эргашева Ж. “Шом шафағи жилвалари”. Т.: . “Ғафур Ғулом”. 2016-й

¹⁰ Эргашева Ж. “Аёл жодуси” /Қисса ва ҳикоялар/ Т.: “Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармаси” 2005-й. 15-б